«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ 81-сонли БАЁНИдан КЎЧИРМА

Умумий йиғилиш Тошкент шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси, 4 уйда видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарор қабул қилиш учун акциядорлар иштирок этдилар.

Йиғилиш ўтказилган сана:	2021 йил 15 октябрь
Рўйхатга олиш бошланган вақт:	соат 14.00
Рўйхатга олиш тугаган вақт:	соат 14.40
Йиғилиш ёпилган вақт:	соат 15.50
Баён тузилган сана:	2021 йил 25 октябрь

ЎзРВБ акциядорларининг жами овозлари сони – 1 069 600 та овоз. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	- 536200;
«Ўзбекистон саноат – курилиш банки» акциядорлик тижорат банки	- 119000;
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	- 119000;
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	- 95200;
«Ипак Йўли» акциядорлик инновация тижорат банки	- 95200;
«Ориент Финанс» хусусий акциядорлик тижорат банки	- 61600;
Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки	- 43400.

Йиғилишда қатнашган акциядорлар 1 069 600 та овозга эга бўлиб, бу жами овозлар сонининг 100 фоизини ташкил этади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. ЎзРВБ санок комиссияси аъзоларининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. ЎзРВБнинг 2020 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш.
4. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш.
5. ЎзРВБ Кузатув кенгашига янги номзодни сайлаш.
6. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаш.
7. ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

ЎзРВБ акциядорларининг овоз бериш бюллетенлари асосида ЎзРВБ акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг қуйидаги қарори қабул қилинди:

1. ЎзРВБ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:

1) ЎзРВБ акциядорларининг умумий йиғилиши видеоконференцалоқа режимида "ZOOM" платформасида ўтказилади.

2) Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабарнома олгандан сўнг акциядорлар умумий йиғилишининг ўтказилиш санасидан камида 2 иш куни олдин ўзининг ёки ваколатли вакилининг электрон почта манзили кўрсатилган ҳолда видеоконференцалоқа режими орқали ўзининг ёки ваколатли вакилининг иштироки тўғрисида хабарнома (хат)ни ЎзРВБнинг электрон почта манзили (info@uzrvb.uz) га юбориши шарт.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида ваколатли вакил иштирок этган тақдирда ваколатли вакил ишончномасининг сканер қилинган нусхаси хабарнома билан биргаликда акциядор томонидан юборилади. Ишончномада ваколатли вакилнинг исми (Ф.И.Ш.), паспорт маълумотлари ва электрон почта манзили бўлиши керак.

3) ЎзРВБ санок комиссияси акциядор ёки унинг ваколатли вакилининг электрон почта манзилига акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиши учун платформага уланиш коди ва паролини, шунингдек, тегишли ҳаволани юборади.

4) Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашган акциядор ёки унинг вакили бюллетеннинг аслини, шунингдек, агарда вакил иштирок этган бўлса, ишончноманинг аслини почта (курьер) орқали ЎзРВБ манзилига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгандан кейинги иш кунидан кечикмай юбориши керак.

5) Акциядорларнинг умумий йиғилишини олиб бориш, масалаларни кўриб чиқиш тартиби қуйидагича белгиланади:

- маърузачиларга асосий масалалар бўйича чиқиш учун ажратилган вақт – 10 дақиқагача;
- қўшимча фикр билдиришлар ва тортишувлар учун ажратилган вақт – 5 дақиқагача;

- **савол ва жавоблар учун ажратилган вақт** – 5 дақиқагача.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. ЎзРВБ банк комиссияси 3 кишидан иборат қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- **Худойбердиев Ж.Б.** – ЎзРВБ юридик хизмати бошлиғи;
- **Умурзаков О.Ў.** - ЎзРВБ юридик хизмати бош юрисконсульти;
- **Мирзахмедова И.А.** – ЎзРВБ корпоратив иш юритув бўйича етакчи мутахассиси.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. ЎзРВБнинг 2020 йил якунларига кўра соф фойдасини тақсимлаш масаласи:

1) 2020 йил якунларига кўра ЎзРВБнинг (МҲХС бўйича) жами **44 456 195 000,00 сўм соф фойдасидан 22 228 095 624,00 сўм** (50 фоиз) миқдордаги пул маблағлари 2021 йил 29 июндаги акциядорлар умумий йиғилишининг қарори (80-сонли баён)га асосан акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимланганини инобатга олган ҳолда, 2020 йил якунларига кўра соф фойдадан қўшимча тарзда **11 114 053 160,00 сўм** (25 фоиз) пул маблағлари акциядорлар ўртасида дивиденд сифатида тақсимлансин (иловага мувофик).

2) Мазкур пул маблағларидан давлат улушига (Марказий банкка) тегишли қисми бўйича ҳисобланган дивиденд суммаси, яъни **5 571 573 770,00 сўм** давлат бюджетига тўлаб берилсин.

3) ЎзРВБ соф фойдасидан (2020 йил учун) дивидендга йўналтирилган қисмидан қолган пул маблағлари, яъни **11 114 053 160,00 сўм** (25 фоиз) ЎзРВБ инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, ЎзРВБ биносини реконструкция қилиш (капитал таъмирлаш)га **(5 млрд. сўм)** ва кейинчалик кафолат фондини шакллантириш учун **(6,11 млрд. сўм)** ЎзРВБ ихтиёрида қолдирилсин.

4) 2021 йил 29 июндаги акциядорлар умумий йиғилиши қарори (80-сонли баён)нинг 2020 йил соф фойдасидан қолган **22 228 000 000,00** сўм миқдоридаги пул маблағларини ЎзРВБ инфратузилмасини ривожлантириш, жумладан, ЎзРВБ биносини реконструкция қилиш (капитал таъмирлаш)га **(10 млрд. сўмни)** ва кейинчалик кафолат фондини шакллантириш учун **(12,2 млрд. сўмни)** ЎзРВБ ихтиёрида қолдириш тўғрисидаги қисми бекор қилинсин.

5) *Дивидендларни тўлаш шакли* – акциядорларнинг ҳисобрақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

Дивидендларни тўлаш бошланадиган сана – 2021 йил 20 октябрь
Дивидендларни тўлаш тугайдиган сана – 2021 йил 30 ноябрь.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

4. ЎзРВБ Кузатув кенгашининг сайланган аъзоси З.А. Азимовнинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

5. ЎзРВБ Кузатув кенгашига қуйидаги янги номзод овоз бериш натижаларига кўра сайлансин:

Якубов Шухрат Исраилович - "Ўзбекистон саноат-курилиш банки" акциядорлик тижорат банки Бошқаруви Раисининг ўринбосари.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

6. "ЎзРВБ" АЖ уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва у давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

7. ""ЎзРВБ" АЖ Кузатув кенгаши тўғрисида"ги низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда "ЎзРВБ" АЖ устави давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг кучга киритилсин.

Тарафдорлар – 1 069 600 та овоз, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Йиғилиш раиси *(имзо)* **Б.Ю. Абубакиров**

Йиғилиш котиби *(имзо)* **Ж.Б. Худойбердиев**

Аслига кўра тўғри:

Бош директор ўринбосари в.в.б. **Б.Т. Салойдинов**